# МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 28 КУН ҚОЛДИ

## БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
## БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
## БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!




*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 август, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 156 (1409)


## ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРИ



### 1991 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ

Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисидаги конун кабул қилинди.

**Янги қабул қилинган Давлат Байроғининг рамзлари Ватанимиз тупроғида аввал мавжуд бўлган қудратли давлатларнинг байроқларига хос энг яхши анъаналарни давом эттириб, айни вақтда республикамизнинг табиий, миллий ва маданий хусусиятларини ўзида акс эттиргандир. Хусусан, байроқнинг мовий-кўк ранги — мовий осмон ва тиниқ сув, яъни еру кўкдаги ҳаёт манбалари рамзидир. Оқ ранг — тинчлик, поклик, яшил ранг — табиат, яшнаб турган ҳаёт ва ҳосилдорлик рамзларидир. Байроғимиздан ўрин олган янги ой — кўп асрлик тарихий анъаналаримизга мос. Айни вақтда янги ой янги туғилган мустақиллигимиз рамзини ҳам ифода этади. Ўзбекистон Давлат Байроғида тасвирланган 12 юлдуз эса бизнинг Наврўздан бошланадиган минг йиллик тарихий анъаналаримизни ўзида акс эттиргандир.**

**Байроғимиз халқимизни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштиришдек олижаноб ишларга бошлайди. Зеро, ўшанда юртбошимиз Ислом Каримовнинг: «Тарихий ҳодиса юз берди, янги байроқ қабул қилдик», деган сўзлари ҳам бежиз айтилмаган эди.**

# НАЙМАН ҚИШЛОҒИДАГИ ТАДБИРКОРЛАР

**БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ**

> Бизнинг ютуқларимиз — одамларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир. Ватандошларимиз ислоҳотлар йўлига ишондилар ва бу йўл рўёбга чиқиши учун ҳаракат қилдилар.
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

Очиғини айтганда, илгари кўпчилигимизда лоқайдлик, боқимандалик кайфияти устуворроқ эди. Эндиликда бунинг акси: мулкка ва меҳнатга муносабат тамоман янгича мазмун касб этмоқда. Мисол учун, Булоқбоши туманидаги «Найман» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Тўланбой Абдураҳмонов оиласини олайлик. Отахон мўътабар 70 ёшида ёнига икки фарзандини олиб, Чилустун тоғлари ён бағрида 3 гектарлик токзор барпо этди. Ўзи дурадгор бўлгани учун етмишта яшик тайёрлаб, асалари боқа бошлади. Яйловда мол-қўйларни кўпайтирди. Бу билан ҳам қониқмай, тегирмон, обжувоз, мойжувоз қурди. Агар у «олма пиш — оғзимга туш», деб қўл қовуштириб ўтирганида, шунчалик обрў-мартабага эришармиди? Йўқ, албатта. Зеро, фидокорона меҳнат барча яратувчилик ишларининг асосидир.

Хўжаликдаги Найман қишлоғида меҳнат биржаси ташкил этилган. Унинг қошида «Устоз — шогирд» мактаби ишлаб турибди. Ёшлар бу ерда тикувчилик, гиламдўзлик, дурадгорлик, бешиксозлик, сават тўқиш, эгарсозлик, қалпоқ тўқиш каби қадимий халқ ҳунарларини эгаллаб, турли соҳаларда меҳнат қилишаяпти ва ўз ҳамқишлоқларининг ҳожатини чиқаришаяпти. Зуҳра Исоқова тузган «Тўёна» бадиий ҳаваскорлик гуруҳининг хизматидан ҳам кўпчилик миннатдор.

Иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш найманликларнинг эзгу мақсадига айланган. Хусусийлаштириш, мулк шаклини ўзгартириш ўз самараларини бермоқда. Ҳозиргача 5 та савдо дўкони, 3 та дорихона, 2 та ҳаммом, 3 та чойхона ўз эгасини топди. Мулк соҳиблари ободончилик, аҳоли таъминотини яхшилаш йўлида ибратли ишларни амалга ошираяптилар. Хусусий дўкон мудири Валижон Отахонов энг гавжум жойларда қаҳвахона, чойхона, янги цехлар барпо этди. Яна бир ишбилармон Набижон Исмоиловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасида «Манас» эпосининг минг йиллиги кенг нишонланди. Тадбиркор Муҳаммаджон Эрмуродов эса 20 нафар болани ўз ҳисобидан инглиз тилига ўқитмоқда. 13 фарзанд онаси Гулсара Имомбоева шахсий фермер хўжалиги, гилам ва рўмол тўқиш цехлари, асаларичилик ва ипакчилик тармоғини изчил ривожлантириб, кўпгина янги иш ўринларини вужудга келтиряптики, бу ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Мустақиллик шарофати ила юртимизнинг олис гўшаларидан бири Найман қишлоғида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаяпти. Яқин орада Чилустун тоғи ёнбағрида иккита оҳак цехи, ғишт заводи, тош тарошлаш ва асфальт цехлари очиш кўзда тутилаяпти. Балиқчилик, эчкичилик, паррандачилик, қуёнчилик соҳалари билан шуғулланаётган ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилиб, етти хазинанинг барчасини баравар ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар ишга солинади.

Мен юқорида қишлоқ ҳудудида барпо этилаётган коммуникация иншоотлари, маданий-маърифий тадбирлар тўғрисида сўз очмадим. Маънавий янгиланиш туфайли кишилар фаолиятида ички истеъдод ва ташкилотчилик қобилиятлари тўла намоён бўлмоқда. Демак, бунёдкорлик жараёни янада жадаллашиб, турмушимиз кун сайин теран моҳият касб этаверади.

**А. АБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилояти.**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙРАТОМУЗ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШДИ»



**Мамлакатимизнинг Германия билан ҳамкорлик алоқалари изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бу қадар юксалаётганлиги сабабларини, аввало, ўзаро иқтисодий манфаатдорлик, қолаверса, ўзбек ва немис халқларининг меҳнаткашлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу ўринда Президентимизнинг 1993 йилнинг апрель ва 1995 йилнинг ноябрь ойидаги Германияга сафари, шунингдек, Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг ўтган йилнинг апрель ойидаги юртимизга қилган ташрифи муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ташрифлар икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихида янги саҳифаларни очиб берди, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлди.**

**Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхард БИНДЗАЙЛ «Халқ сўзи» мухбирига берган интервьюсида ҳар иккала мамлакатлар ўртастаги алоқалар, шунингдек, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида сўз юритади. (Интервьюни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).**

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог.
(ЎзА архивидан).

## АСРЛАРГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР
**(ФОТОСОЛНОМА)**





*Истиқлол шарофати билан юртимизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Тошкент — Фарғона йўлидаги Камчиқ довонида кенг ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди; юзлаб қишлоқларда кичик ва ўрта корхоналар очилди; Қорақалпоғистоннинг Урга ҳудудидан топилган газ кони туфайли кўплаб хонадонларда «зангори олов» ёнди.*






### ХАЙРЛИ НИЯТ

***Латвия иқтисодиёт вазири Гунтарс Крастс жаҳон савдо ташкилоти бош директори ўринбосари Чилс Ким билан учрашувдан кейин биргаликда ўтказган матбуот конференциясида Латвия жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ниятида эканлигини маълум қилди.***

Ушбу халқаро ташкилотга айни пайтда жаҳоннинг 122 та давлати аъзо бўлиб, Латвия Республикаси уларнинг 30 таси билан савдо алоқаларини йўлга қўйган.

### КОСМИК КЕМА ФАЗОГА ЧИҚАРИЛДИ

***Қозоғистоннинг Байконур космодромидан «Союз-5» ракетаси коинотга чиқарилди.***

Фазо кемаси «Мир» станциясига юк ташувчи «Прогресс М-32» кемаси ёқилғи, космонавтлар учун озиқ-овқат, шу билан бир қаторда халқаро фазовий дастурга асосан Россия ва Франция давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни етказиб беради.

### ТАДҚИҚОТЛАР ДАСТУРИ ТЎХТАТИЛМАЙДИ

***Покистон ядровий тадқиқотлар миллий дастури раҳбари Абдул Қодир Хон баёнот бериб, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ядровий тадқиқотлар миллий дастурини амалга оширишни тўхтатмайди, деди.***

Абдул Қодир Хоннинг эътироф этишича Ғарб давлатларининг тазйиқларига қарамасдан бош вазир Беназир Бхутто ядровий тадқиқотлар тўхтаб қолмаслиги учун барча имкониятларни ишга солаяпти.

### ВАЗИРНИНГ ТАШРИФИ

***Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко расмий ташриф билан Россияга келди.***

У Москвада ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, Қора денгиз флотининг тақсимоти, Россия-Украина чегарасини расмийлаштириш ҳамда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг бўлажак ташрифига доир масалаларни муҳокама қилди.

### ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

***Россия, Татаристон ҳукуматлари ва Американинг «Женерал моторс» компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра Елабугада енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил қилинмоқда.***

Завод шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб «Шевроле блейзер» автомашиналарини ишлаб чиқара бошлайди.

# ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

**«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қилади**

### МУТАХАССИС КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР

***2 август куни республика Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.***

Йиғилишда алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, янги турдаги билим юртлари бошлиқлари қатнашди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Вазирлар Маҳкамаси таълим ва фан бўлими, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа идора раҳбарлари мазкур қарорни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар.

Сўзга чиққанлар ҳозир республикамиз бўйича Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 162 ҳунар лицейи ва бизнес-мактаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вилоят марказларидаги ўқув юртлари қошида 13 бизнес-мактаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 12 коллежи йўналишини ўзгартирган ҳолда фаолият кўрсатаётганини таъкидлади. Алоқадор вазирликлар, ҳокимликлар ва янги турдаги билим юртлари жамоалари томонидан уларнинг ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, замонавий компьютер ва ташкилий техника билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ бу ишда камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Жумладан, янги турдаги билим юртларининг низомлари ҳалигача тасдиқланмаган. Уларда иқтисодий фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Янги мутахассисликлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари етарли эмас. Бу камчиликларга тездан барҳам берилиши лозим.

Йиғилишда олий ўқув юртлари қошида иқтисодиёт йўналиши ўқитувчилари, қишлоқ жойларда банк ва солиқ хизмати ходимлари тайёрлаш, малака ошириш республика марказлари ташкил этиш, бизнес-мактаблар сонини кўпайтириш, бу ишга хориждан, қўшни мамлакатлардан шартнома асосида малакали кадрларни жалб этиш масалалари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, М. Усмонов қатнашди.

### ТЕКШИРИШЛАР САМАРАЛИ БЎЛСИН

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони назорат инспекциясида ҳудудий назорат инспекцияларининг ярим йиллик иш якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгеси ҳузуридаги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамалари назорат инспекцияларининг раҳбарлари қатнашди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, назорат инспекциясининг раҳбари Е. Жалолов нутқ сўзлади.

Сўзга чиққанлар шу йилнинг олти ойи давомида республика Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросининг назоратини ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, текширишлар сонини камайтирган ҳолда уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор бериш зарурлигини таъкидладилар.

### АЁЛЛАР МАСАЛАСИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

***2 август куни Тошкентда «Темурийлар тарихи — бизнинг буюк меъросимиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган бу анжуманда темурийлар даврини ўрганаётган олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хотин-қизлар ташкилотларининг, республикамиздаги бошқа ижтимоий ва илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.***

Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова анжуманни очар экан, Амир Темур аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига, уларнинг фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор берганини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбарияти, Президентимиз Ислом Каримов ҳозир ўтмишнинг ана шу доно тамойилларига амал қилиб, хотин-қизларимизнинг яхши яшаб, самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитни яратмоқда.

Анжуманда темурийлар даврида шарқ хотин-қизларининг эркини оширишга кўмаклашган нуқтаи назар ва амалий чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди, ҳозирги кунларда долзарб бўлиб турган хотин-қизларни республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига фаол жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

*1996 йил — Амир Темур йили*

## «СОҲИБҚИРОН» – ЎШ САҲНАСИДА



**Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, қўшни Қирғизистонда бу тўғрида ҳукуматнинг қарори эълон қилинди.**

Унга биноан мамлакат вилоятлари ва туманларида қутлуғ санани ўтказиш ташкилот қўмиталари тузилди. Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ турли мавзуларда илмий конференциялар, ижодий кечалар, баҳс ва мунозаралар ўтказиш, улуғ бобокалонимиз меросини янада теран ўрганиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш вилоят ўзбек мусиқали театри ижодий жамоаси яқинда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» номли тарихий драмасини ўз мухлислари ҳукмига ҳавола этди. Уни таниқли режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов саҳнага қўйди.

Асарнинг жамоатчилик кўриги қардош икки халқ тарихи ва маданиятининг байрамига айланди. Театрга Қирғизистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мира Жонқорачева, маданият вазири Чўлпонбек Бозорбоев, республика Президентининг маданият ишлари бўйича ёрдамчиси Қалиқ Ибройимов, Ўш вилояти ва шаҳри ҳокимлари, жамоатчилик вакиллари, қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар йиғилди. Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Салоҳиддин Умаров Амир Темур ролини катта маҳорат билан ижро этди.

Жамоатчилик кўригида асар муаллифи Абдулла Орипов иштирок этиб, буюк бобокалонимизга кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиром учун миннатдорчилик билдирди. Амир Темур меросини синчиклаб ўрганиш, унинг якдиллик ва бирлик борасидаги васиятларига содиқ қолиш ҳар бир Туронзамин фарзандининг муқаддас бурчи эканини таъкидлади.

Янги спектакл соҳибқирон тўйи арафасида Бешкек шаҳрида ҳам намойиш этилади.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ (ЎзА).**

## ОКЕАН ОРТИДА ЗАФАР ҚУЧГАН ЙИГИТ

### ёхуд Чак Норрес тан берган ўзбек «қоплони»

Учрашувни бошдан охир кузатиб турган машҳур киноактёр, ҳам каратэ бўйича еттинчи ДАН соҳиби Чак Норрес ғолибга (у қўллаган усулларга) тан берди, ҳайратини яширолмади. Ёрдамчиларидан: «Бу йигит қаердан? Устози ким?», деб сўради.

Эндигина нафасини ростлаб, қувончини яқинлари билан баҳам кўраётган йигитга уни ва устозини Чак Норрес сўроқлаётганини, учрашувга таклиф этаётганини етказишди.

Шуҳратжон Элов — 1974 йил Тошкентда туғилган. Тошкент давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган. Энг севимли машғулоти — каратэ. Бир қанча халқаро турнирларнинг ғолиби. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**— Шуҳратжон, авваламбор Чак Норрес турнири ва Чак Норрес билан учрашувингиз ҳақида билишни истардим.**

— Бир нечта халқаро турнирларнинг ғолиби бўлганим учунми, каратэ бўйича ушбу халқаро турнирга таклиф этишди. Бордик. Беллашдик. Билмадим, Чак Норресга менинг услубим ёқди шекилли, мен билан қизиқиб қолди. У билан учрашдик, ширингина суҳбат қурдик. Чак Норрес мендан каратэ билан қачондан буён шуғулланишимни, устозим кимлигини ва бошқа шунга ўхшаш саволлар берди. Мен унга биринчи устозим отам эканлигини, каратэ билан тўрт ёшимдан буён шуғулланишимни, ҳозирги кунда эса Ўзбекистонда каратэ спорти жуда тез ривожланаётганлиги ҳақида сўзлаб бердим. Чак Норрес мени бу йилги, яъни 1996 йилда ўтадиган турнирга таклиф этди.

**— Сиз каратэ билан тўрт ёшингиздан бери узлуксиз шуғулланиб келасиз экан-а?**

— Ҳа.

**— Аммо 80-йилларда собиқ СССРда каратэ таъқиқлаб қўйилган эди-ку?!**

— Биз ўша пайтда ҳам 10-15 та бола биргаликда яширинча шуғулланардик.

**— Қайси халқаро турнирларнинг ғолиби бўлгансиз?**

— Россия, Америка, Туркия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро турнирларнинг.

**— Ҳозир нима билан машғулсиз?**

— Институтда қолдим. Ёшларга баҳоли-қудрат Шарқ якка курашининг сир-асрорларини ўргатяпман.

**— Ҳозирги кунда юртимизда Шарқ якка курашининг турлари билан шуғулланувчилар кўпми?**

— Ҳа, кўпчиликни ташкил этишади. Ва шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бизнинг спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги даражалари борган сари юқориламоқда. Бунга Япония, Хитой, Америка каби мамлакатларнинг мутахассислари ҳам тан беришмоқда.

**— Сизнинг шу даражага етишингизда ким сабабчи?**

— Отам.

* * *



*Чак Норрес ва Шуҳрат.*

***1995 йил. Америка. Каратэ бўйича Чак Норрес халқаро турнири. Ҳал қилувчи баҳслардан бири. Рингда Америка ва Ўзбекистон вакиллари. Учрашув жуда кескин ва ниҳоятда қизиқарли ўтмоқда. Рақиблар бир-биридан қолишмайди. Спортда ҳамиша кучли томон, албатта, ғолиб чиқади. Ғалаба. Ўзбекистонлик ғолиб.***



*Арслон Элов америкалик 6-ДАН соҳиби Жон Канцлер билан.*

Арслон Элов — 1948 йил Форишда туғилган. Самбо ва дзюдо бўйича спорт устаси, ҳам тренер. 1979 йил каратэ бўйича республика чемпиони. Икки нафар фарзанди бор. Иккаласи ҳам ота изидан боришган.

**— Арслон ака, болалик дамларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Оилада етти ака-укамиз. Катта акам Усмон полвон. У киши тўй-маъракаларда ўртага чиқиб, кураш тушардилар. Акам мендаги кучни, иқтидорни сездими, дейман мени ҳам тўй-маъракаларда даврага туширадиган бўлди. Жуда кўп ҳолларда бош соврин менда кетарди. Шу-шу кўпчилик менга «ҳа, полвон», деб мурожаат қилишарди. Авлодимизда полвонлар ўтган. Мактабни тугатганимдан сўнг акам билан маслаҳатлашиб, Тошкент давлат жисмоний-тарбия институтига ҳужжат топширдим. Насиб экан, студент бўлдим. Институтни тамомлаб, институтда, кураш кафедрасида қолдим. Самбо ва дзюдо билан қаттиқ шуғулландим. 1969 йил самбо, 1975 йил эса дзюдо бўйича спорт устаси бўлдим.

**— Шогирдларингиз ҳам кўпдир?**

— Ҳа, кўпчилик. Бобомурод Файзиевни спорт мухлислари яхши билишади. У ҳамқишлоғим, ҳам шогирдим бўлади. Худога шукур, Бобомурод уч карра жаҳон чемпиони бўлди. Ҳозир у самбо ва дзюдо бўйича катта тренер. Айни кунларда Бобомурод Атлантада ўтаётган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси полвонларига бош-қош.

**— Мустақилликдан сўнг спортимизда қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Истиқлолдан сўнг спортчиларимизнинг, тренерларимизнинг кўкрагига офтоб тегди. Негаки, илгарилари спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишлари жуда мушкул эди. Бизга бошқача, «ўгай кўз» билан қарашарди.

Эндиликда эса мустақиллик шарофати билан юртимиз спортчилари халқаро миқёсдаги турнирларда ёш республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, мамлакатимиз довруғини оламга ёймоқдалар. Ҳукуматимиз, шахсан юртбошимизнинг ўзи ҳам спортга катта эътибор бермоқда. Шуларнинг самараси ўлароқ, барча спорт турлари республикамизда ривожланиб бормоқда.

**— Сиз республика миқёсидаги ҳар хил мусобақаларни уюштиришда фаол иштирок этаяпсиз. Бу ҳаракат, йўналиш борган сари ривожланиб, изчил давом этадими?**

— Бўлмасачи, биз республикамизнинг турли вилоятларида Шарқ якка курашининг турлари бўйича республика миқёсидаги турнирларни ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад — ёшларни ана шу спорт турларига қизиқтириш ва жойларда ярқ этиб кўзга ташланган ёш спортчиларни танлаб, уларни тарбиялашдир.

**— Биласизми, афсонавий паҳлавон Геркулес ердан куч-қувват олган. Бу бир ривоят. Аммо ер — сен туғилган замин сенга Ватандир. Ватан ҳиссидан эса ҳамма руҳланади, куч-қудратга тўлади. Шундай эмасми?**

— Албатта, юрагида Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат бўлган киши Ватан учун ҳар нарсага тайёр туради. У Ватан тупроғидан, унинг ҳиссидан ўзига куч-қувват олади. Ватанни улуғламоқ бир саодатдир. Ҳар биримиз саодатли бўлайлик.

**— Полвонлар, курашчилар, умуман спортчилар ҳал қилувчи учрашувлар олдидан қанақа тушлар кўришади?**

— Жуда қизиқ савол бердингиз. Қанақа туш кўриш аввалом бор кайфиятга боғлиқ. Спортчи ўйин олдидан руҳан тетик, кайфияти чоғ ва яхши дам олиши керак.

**— Ва яна озгина омад ҳам керак, шекилли.**

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин улуғ паҳлавон боболаримиз руҳи қўллаб турса, бу чин омад.

**— Суҳбатингиз учун ташаккур, илойим ҳамиша омадли бўлиб, спортимиз равнақига ҳисса қўшаверинг.**

**«Халқ сўзи» мухбири Алижон АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

*Сукут беодоблик, кўполлик ёки ҳасад юзага келтирган ҳар қандай келишмовчиликка қарши энг тўғри жавобдир.*

И. ЦИММЕРМАН

* * *

*Танангт иморати дош бера оладиган миқдорда таом тановул эт.*

А. ЖОМИЙ

* * *

*Эркак билан аёл муҳаббати — бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, binобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.*

Г. МОПАССАН

* * *

*Ишларингизнинг натижасига бошқалар баҳо беради, фақат қалбингизнинг тоза ва ҳалол бўлишига ҳаракат қилинг.*

Ж. РЕСКИН

* * *

*Лўнда ҳикматли сўзлар кишиларнинг миясига сингиб қолади, илдиз отиб, гуллайди, ҳосил беради ва ҳамиша таъсир кўрсатиб боради.*

Ф. БОДЕНШТЕДТ

* * *

*Камтарлик саховат кўркигина бўлиб қолмай, унинг соқчиси ҳамдир.*

Ж. АДДИСОН

* * *

*Виждон — одамлар ҳаётининг одил раҳнамосидир.*

Л. Н. ТОЛСТОЙ

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

## ҒАЙРАТЛИНИНГ ЮРАГИ ҚАЙНАР, ҒАЙРАТСИЗНИНГ ЮРАГИ ЎЙНАР

Халқ ўзининг бу каби бир қатор мақолларида меҳнатсеварлик, ғайратчанликни улуғларкан, айни пайтда бунинг акси бўлган ишёқмаслик, ғайратсизлик, сусткашликни энг ёмон иллат сифатида қоралайди, ишламай-кучламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслардан ҳазар қилади ҳамда ишёқмас дангасаликнинг оқибати ёмон бўлишини уқтиради: «Ер бойлиги юзида, эр ғайрати кўзида»; «Ғайратлидан имон қочиб қутулмас» (Имон — бир нарсага бўлган қатъий ишонч, интилиш, эътиқод); «Ғайратсизнинг ғайрати иш битганда қўзийди»; «Ялқовнинг мақтаниши — иш бошига боргунча»; «Ғайратсиз билак — ўринсиз тилак»; «Ғайрати бор кишининг, баракати бор ишининг, ғайрати йўқ кишининг, баракати йўқ ишининг»; «Ғайратлига — буюк ўлжа, ғайратсизга — куюк кулча».

## ЧУМЧУҚ СЕМИРСА, ЧАКСА КЕЛМАС

Вариантлари: «Чумчуқ ҳам ўз тошича ботмон»; «Чумчуқ семириб, ботмон бўлмас, теша ўсиб кетмон бўлмас». Буларни кўпинча ўз ҳол-қудрати йўқ бўлатуриб, «мен ундайман, мен бундайман» деб мақтанувчиларга қарата истеҳзо билан айтадилар.

*ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...*

## КОВУЛ

***...Энг фойдали қисми илдиз пўстлоғидир. Илдизининг пўстлоқлари чайналса, бошдан рутубатни тортади ва бошдаги совуқ оғриқни босади.***

Унинг шираси қулоқдаги қуртларга қарши томизилади. Тиш оғриғига қарши илдиз пўстлоқларини, айниқса, янгиларини ёки баргини чайнаб шунингдек, ковул солиб қайнатилган қайнатма ё шароб билан оғизни чайқаш керак.

Тузлангани астма билан оғриган кишиларга фойда қилади.

Халқ табобатчилигида ковул ўсимлиги илдизидан тайёрланган қайнатма сариқ касаллигини даволашда ишлатилади. Гулининг шираси йирингга ва яраларга даво, мева қайнатмаси эса бавосил касаллигини даволайди ҳамда тиш оғриғини қолдирувчи, милкни мустаҳкамловчи дори сифатида қўлланилади.

*• Ўзбек тансиқ таомлари*

## КАДИ БИЙРОН

***Ошқовоқнинг яхши пишган, ширин хилидан олиб пўчоғи ва уруғларидан холос этганингиздан сўнг катта кубик шаклида кесасиз, юзига туз сепиб олиб қўясиз.***

Ўсимлик ва ҳайвонот ёғларидан тенгма-тенг олиб фритюр ҳозирлайсиз. Фритюр — барча пазандачиликларда қўлланиладиган французча атама бўлиб, озроқ масаллиқни қовуриш учун доғланган кўп ёғни билдиради. Қисқаси «Фри» деб ҳам юритилади. Бунда ошқовоқ бўлакларини қовуриб оласиз. Сирти қизаради, ичи ҳали пишмайди. Шунинг учун чала қовурилган ошқовоқ бўлакларини кастрюлкага солиб, устидан озгина қайноқ сув ва қаймоқ қуйиб, оловни пастлатиб қопқоғини жипс ёпиб 15 минутча димлаб қўясиз.

Дастурхонга ликопчаларда тортилади. Бошқа таомларга гарнир қилиб берса ҳам бўлади.

## ҒИЛМИНДИ

***Ғилминди парҳезлиги бор, енгил ҳазм бўладиган таомдир.***

Хамири оддий қорилиб 10-12 дақиқа тиндириб олингач, 50-60 граммли зувалачалар ясаб, жўва ёрдамида юпқа қилиб ёясиз. Ҳар бир жилдни доғ бўлиб турган сарёққа солиб, унча қизариб кетмай оласиз ва тоғорачага солиб сочиқ ёпиб қўясиз. Барча жилдларни ана шундай тайёрлаб олгач, суртмасини ҳозирлайсиз. Бунинг учун унни ёғ суртилган товада жазлаб оласиз. Илиқ сутда шакарни эритиб олиб жазланган унни қисм-қисмлаб солиб доим ийлаб оловга қўясиз, тўхтовсиз аралаштириб қаймоқ қуюқлигига келтирасиз. Ҳар бир жилдга ана шундан юпқа суртиб қирқилган кўк пиёз сепасиз ва икки буклаб ликопчага териб дастурхонга тортасиз, юзига суртиш учун сариёғ берасиз.



Бахтиёр болалик.

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурат-лавҳаси.

**ТОПИШМОҚ**

**Номаълум ўйлаган сонга 7 ни қўшсак, ҳосил бўлган йиғиндини 7 га бўлсак, натижадан 7 ни айирсак ва айирмани 7 га кўпайтирсак 7 ҳосил бўлади. Ўйлаган сонни топинг.**




***— Жуда ташвишда қолдим. Эрим ҳеч қачон ишдан бунчалик кеч қолмасди. Биронта хуштор орттирдимикин?***

***— Нега ёмон хаёлга борасан? Эҳтимол, машина босиб кетгандир.***

* * *

***Кемада ёнғин чиқипти. Йўловчилар ўртасида тўс-тўполон бошланипти. Ҳеч ким ҳеч кимга қарамай, ҳамма палубага ёприлипти. Кимдир йўғон овозда «Жаноблар! Тинчланинг! Сув ҳаммага етиб ортади!» деб ҳайқиргандан кейингина тўполон тинчипти.***

* * *

***Бир одам химчисткага келиб, унинг бошлиғига хуноб бўлиб гапиряпти:***

***— Мана, қилган ишингизни кўриб қўйинг...***

***— Нима бўпти? Нимадан шикоят қиляпсиз? — деб ҳайрон бўлади бошлиқ. — Бинойидай шорти, бежирим тикилган, биронта доғи йўқ.***

***— Кечирасиз, мен сизга тозалаш учун шим топширган эдим.***

* * *

***Мусобақа вақтида ҳаддан ташқари кўп бақирган ишқибоз:***

***— Овозим йўқолиб қолганга ўхшайди.***

***Қўшниси:***

***— Хавотир олманг, овозингизни менинг чап қулоғимдан топасиз...***




## ҲАРОРАТ БИРОЗ ПАСАЯДИ

*Республика об-ҳавони кузатиш маркази ходимларининг хабар беришича, 3-7 август кунлари республикамиз ҳудудида ҳарорат ўтган ҳафтадагига нисбатан бироз пасаяди. Ҳафтанинг бошида ўлкамизда кечалари 19-24, кундуз кунлари 34-39 даража иссиқ бўлади.*

## МАНСУБА




***МАСАЛА: оқлар бошлайди ва ютади.***

**ГАЗЕТАНИНГ 20 ИЮЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН МАНСУБА ЕЧИМИ**

***1. Фрf5 + Шd6 2. Pd7 + Шc6 3. Фрd5 + Мот.***

## ГАЗЕТАНИНГ 22 ИЮНЬ СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Оқтепа. 6. «Шуҳрат». 8. Имом. 9. Ўрмон. 10. Қанд. 12. Узман. 15. «Жажман». 16. Исфара. 17. «Наполи». 19. Омонат. 21. Норин. 24. Бону. 26. Патир. 27. Қулф. 28. Агасси. 29. Ғозғон.

БЎЙИГА: 1. Атом. 2. Наврўз. 3. Ошхона. 4. Ироқ. 5. Оқмўла. 7. Танбур. 11. Амвол. 12. Унсин. 13. Нишон. 14. Афғон. 18. Афсона. 20. Анилин. 22. Огаҳий. 23. Исирға. 25. Уран. 27. Қўға.

## ГАЗЕТАНИНГ 27 ИЮЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН «ОЛИМПИАДАГА ОИД БОШҚОТИРМА»НИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 1. Кабани. 4. Шмаков. 7. Вуко. 8. Гана. 9. Анвар. 12. Войнов. 13. Валеев. 14. Мазина. 16. Лондон. 19. Данни. 21. Като. 22. Беца. 23. Вдовин. 24. Киреев.

БЎЙИГА: 1. Ковшов. 2. Бокс. 3. Иванов. 4. Шагаев. 5. Кнап. 6. Власов. 10. Иннис. 11. Алина. 14. Марков. 15. Азарян. 16. Ландик. 17. Начаев. 18. Отто. 20. Леме.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0444 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.00** 1 2 3 4 5 6